



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 март, чоршанба №33 (680)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР АВТОМОБИЛ ЗАВОДИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида 16 март куни эрталаб Самарқанд шаҳрига келди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонларни Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рўзиев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэлнинг Самарқанд сафари ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий масжид мажмуаси билан танишувдан бошланди. Президентлар аллоҳнинг қабрини зиёрат қилиб, дуои фотиҳа ўқидилар. Туркия раҳбари ўтган йили аллома таваллуд тоғанининг 1225 йиллиги муносабати билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди. С.Демирэл мамлакатимизнинг турли бурчларидан келган усталар, бунёдкорлар, хорижлик шериклар, мутахассисларнинг залворли меҳнати натижасида қисқа вақт ичида шундай маҳабатли ва мухташам иншоот қад ростлаганидан хайратини яширмади.

Туркиялик меҳмонлар мажмуа эндиликда ислом аҳлининг муборак қадамжоларидан бирига айланганидан мамнуният изҳор этдилар. Туркия Президенти мажмуа музей ва кутубхонасини кўздан кечирав экан, бундай улғу ишга қўл уриш, миллий кадриятларни тиклаш, аждодлар меросини эъзозлаш улар хотирасига чекиз ҳурмат намунаси эканини таъкидлади. «Имом ал-Бухорий бизнинг динимиз, тарихимизнинг буюк намоёндаларидан, халқларимиз, кечмишимизнинг меъморларидандир, деди, жумладан С.Демирэл. Доно юртбошининг бош-қошигида барпо этилган бу зиёратгоҳни кўриб, беҳад қувондим. Чунки ўтмишга ҳурмат - келажакка бўлган эҳтирдир», - С.Демирэл мажмуадан олган таассуротларини фахрий меҳмонлар китобига ёзиб қолдириди ҳамда мажмуага беш минг АҚШ доллари ҳада этди.

Маълумки, мамлакатимизда автомобил-саноати тобора ривожланиб бормоқда. Асададаги «ЎзДЭУавто» кўшма корхонасида тайёрланаётган «Нексия», «Дамас», «Тико» русумли чиройли, қулай ва ихчам автомашиналар аллақачон жаҳон бозорида ўз мавқеини эгаллагани бу фикрнинг ёрқин далилидир. Улар Ўзбекистоннинг фахри, Ифтихори бўлиши керак. Самарқандда ҳам қалбимиз ана шундай бахт ва гурур наҳидасидан энтикайдиган қувончли воқеа юз берди. Бу ерда Ўзбекистоннинг яна бир автомобил заводи иш бошлади. Бинобарин, туркиялик ишбилмонлар билан ҳамкорликда ишга туширилган «СамКочавто»



Туркия Республикаси Президенти Сулаймон ДЕМИРЭЛ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг Бухорога ташрифи пайти. Мухаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

кўшма корхонасининг тақдимот маросими катта тантанаяга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамда Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл янги иншоотнинг очилиш маросимида қатнашгани мазкур тадбирга алоҳида руҳ бағишлади. Президентлар «СамКочавто» кўшма корхонасининг тақдимот маросимини Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рўзиев кириш сўзи билан очди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳамда Туркия абадий дўстлиги ва ҳамкорлигини яққол намоён этувчи навбатдаги ушбу катта воқеа мана шундай олий мақомда нишонланаётгани мақсада мувофиқ эканини айтиб, янги кўшма корхонанинг фаолияти самарали бўлишига ишончи қомиллиги ҳамда унинг маҳсулотлари нафақат Ўзбекистоннинг, балки хорижий мамлакатлар бозорларида ҳам харидорлиқ бўлажagini айтди.

Маълумки, Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигининг мустаҳкамланишида «Коч холдинг» компаниясининг ўрни алоҳидадир. «Коч холдинг» гурӯҳи ўз салоҳияти ва имкониятлари жиҳатида Европа ёки Американинг энг нуфузли компанияларидан асло қолмайди. «Бугун Марказий Осиёдаги ягона автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи янги корхонанинг ишга тушаётгани Ўзбекистоннинг нақадар ишончли ҳамкор эканининг яна бир далилидир», деди, жумладан, мамлакатимиз раҳбари.

Шунингдек, Ислам Каримов Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори - «Коч холдинг» компаниясининг туркиялик кўшма корхонасининг таъкидлади. Янги заводи туркиялик ва фирмалар ўртасида ўтказилган танлов ғолиби - Туркиянинг «Дама» фирмаси бунёдкорлари қурилишида, Германия, Италияда тайёрланган маҳсулотларнинг ўрнатилган, монтаж ва беҳадда ушқоқлик кўрсатганини таъкидлаш

ўринлидир. Улар бутун куч, билим ва маҳоратларини ишга солдилар. Энг замонавий асбобуқуналар билан жиҳозланган цехларда тайёр автомашиналар ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароит муҳайё. «СамКочавто» кўшма корхонасининг тақдимот маросимини Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рўзиев кириш сўзи билан очди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳамда Туркия абадий дўстлиги ва ҳамкорлигини яққол намоён этувчи навбатдаги ушбу катта воқеа мана шундай олий мақомда нишонланаётгани мақсада мувофиқ эканини айтиб, янги кўшма корхонанинг фаолияти самарали бўлишига ишончи қомиллиги ҳамда унинг маҳсулотлари нафақат Ўзбекистоннинг, балки хорижий мамлакатлар бозорларида ҳам харидорлиқ бўлажagini айтди.

Маълумки, Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигининг мустаҳкамланишида «Коч холдинг» компаниясининг ўрни алоҳидадир. «Коч холдинг» гурӯҳи ўз салоҳияти ва имкониятлари жиҳатида Европа ёки Американинг энг нуфузли компанияларидан асло қолмайди. «Бугун Марказий Осиёдаги ягона автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарувчи янги корхонанинг ишга тушаётгани Ўзбекистоннинг нақадар ишончли ҳамкор эканининг яна бир далилидир», деди, жумладан, мамлакатимиз раҳбари.

Шунингдек, Ислам Каримов Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори - «Коч холдинг» компаниясининг туркиялик кўшма корхонасининг таъкидлади. Янги заводи туркиялик ва фирмалар ўртасида ўтказилган танлов ғолиби - Туркиянинг «Дама» фирмаси бунёдкорлари қурилишида, Германия, Италияда тайёрланган маҳсулотларнинг ўрнатилган, монтаж ва беҳадда ушқоқлик кўрсатганини таъкидлаш

100 миллион долларлик янги иншоот қад кўтараягани маълум қилди. Самарқанддаги заводнинг ишга туширилиши билан Ўзбекистонда автомобил саноатини шакллантириш янги босқичга кўтарилди, дейишга тўла асос бор. Бу мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда чет эллик ҳамкорлар фаолияти учун ҳар томонлама қулай замин яратилганининг натижаси, албатта. Бинобарин, «Коч холдинг» сингари жаҳонга танилган компания билан ҳамкорлик ўрнатилиши ижобий самара бериши тайин. Унинг йиллик айланма маблағи йигирми миллиард АҚШ доллари яқин бўлиб, хизматчиларининг сони 42 минг нафардан ошади. Компания таркибида «Тофаш» /«Фиат», Италия/ ва «Карсон», /«Пежо», Франция/ автомобил заводлари, шунингдек, «Арчелик» машиини электр-техника асбоблари заводи борлигининг ўзи унинг мавқеи қай даражада эканидан далолатдир.

«СамКочавто» кўшма корхонаси заводида йилга минглаб турли русумдаги қулай ва ихчам автобуслар, турфа хил юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фойдаланиш мумкин бўлган бу машиналарнинг эътиборли жиҳати шундаки, улар «Ивеко» Италия-Испания фирмасининг ихчам конструкцияларига асосланган ҳамда «Коч холдинг» компанияси азёси - «Отойул» заводида янада такомиллаштирилиб, Ўзбекистон шариоитига мослаштирилган.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл ҳам ушбу янги корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан маросим иштирокчиларини қутлар экан, Ўзбекистонда қисқа давр ичида иқтисодиёт ҳақида, ислохотларни амалга оширишда катта муваффақиятлар қўлга киритилганини қўйд эт-

ди. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида кўплаб турк фирма ва компаниялари ўз сармоялари билан иштирок этаётганидан мамнуният изҳор қилди. «Туркия Ўзбекистонга ҳамisha омонлик ва осойишталик тилайди», деди, жумладан, Туркия Президенти. У Туркиядаги энг катта саноат гурӯҳи ҳисобланмиш «Коч холдинг» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган янги кўшма корхона - «СамКочавто» мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшишига ишонч билдирди. Чунки, деди С.Демирэл, «Коч холдинг» компанияси Туркияда ҳам саноатнинг ривожланишида катта рол ўйнаган.

Туркия Ўзбекистоннинг доно йўлбошчиси Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакат иқтисодий ва сиёсий жабҳаларида амалга оширилган эътибор билан қузатиб бормоқда, - деди Туркия раҳбари. - Мамлакатимиз Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидаги саяёҳатларини қўллаб-қувватлашда давом этади.

Тақдимот маросими сўнггида Самарқанддаги «Сино» ҳиссадорлик жамияти ва «Коч холдинг» компанияси ўртасида янги кўшма корхона тузиш тўғрисидаги Битим имзоланди.

Сўнгра Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэлнинг ихчам қўшма корхонасининг таъкидлади. Янги заводи туркиялик ва фирмалар ўртасида ўтказилган танлов ғолиби - Туркиянинг «Дама» фирмаси бунёдкорлари қурилишида, Германия, Италияда тайёрланган маҳсулотларнинг ўрнатилган, монтаж ва беҳадда ушқоқлик кўрсатганини таъкидлаш

Маълумки, Асададаги автомобил заводида ҳам дастлаб бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг 15 фоизи маҳаллий корхоналарда тайёрланар эди. Ҳозирга келиб бу кўрсаткич қарийб 55 фоизга етди.

Матбуот анжуманида Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида Туркия Жумҳурияти Президенти С.Демирэл Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Бухорога йўл олди.

Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими С.Хусенов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Президентлар Баҳоуддин Накшбанд мажмуи зиёратидан бўлдилар. Бу ерда Ислам оламининг буюк намоёнлари руҳига Куръон тиловат қилинди. Туркия Президенти ушбу мажмуани янада ободонлаштириш ва таъмирлаш учун 5 минг АҚШ доллари хайрия қилди. Шундан сўнг меҳмонлар Пойи Калон мажмуасини бориб кўрдилар. Масжиди Калон зиёратидан юртбошимиз мазкур мажмуани таъмирлаш ишлари учун давлатимиз бюджетидан катта маблағ сарфланганини айтди.

Биз дунёвий давлат қураёلمиз, лекин доимо ота-боболаримиз динига эътиқод қиламиз, уни эъзозлаймиз, - деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. - Тарихий ёдгорликларимизни таъмирлаш эканмиз, уларни юртимизга келган меҳмонларга шунчаки, кўз-кўз қилиш учун эмас, авваламбор динимиз олдидаги бурчимизни адо этиш ниятида ободонлаштирамиз.

Меҳмонлар Нодир девонбеги мадрасасини ҳам зиёрат қилдилар. Бу ерда ташкил этилган вилоят ҳунармандлари асарларининг кўргазмаси билан танишди. Шу билан олий мартабали меҳмонларнинг Бухоро сафари ниҳоясига етди. Улар Бухородан Самарқандга келишди.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл Самарқанддан ватанига жўнаб кетди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва бошқа расмий кишилар қузатиб қолдилар.

Мамлакатимиз раҳбари шу кун Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида Президент Ислам Каримовни Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шухрат УМИРОВ, Анвар КАРИМОВ, Хамза ШУКУРОВ, Илхом САФАРОВ, ЎзА мухбирлари.


### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг КАРОРИ Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясини қақриш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши қарор қилади: Биринчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 1999 йил 14-апрелда Тошкент шаҳрида қақриلسин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ  
Тошкент шаҳри, 1999 йил, 15 март.

Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси муҳокама-сига қўйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг қаролатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
  2. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
  3. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (янгича таҳрирда, иккинчи ўқишда).
  4. «Хотин-қизларга қўшма имтиёзлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
  5. «Ўй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
  6. «Нодавлат нотариот ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
  7. «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
  8. «Урмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
  9. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги давлат бюджетининг биринчи кварталдаги ижроси тўғрисида ахборот.
  10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1998 йилдаги фаолияти тўғрисида.
  11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1998 йилдаги фаолияти тўғрисида.
- Ана шу масалалар билан бирга Олий Мажлисининг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокама-сига киритиш мўлжалланмоқда.




Наврўз дастурхонини баҳорий таомлар, хилма-хил ширинлик ва пиширилмас тасаввур этиш қийин. Фарғона вилоят матбуот савдо акционерлик компанияси унинг ҳар қачонгидан ҳам тўқин бўлишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Байрам кунини вилоятнинг шаҳар ва туманлари, қишлоғу гузарларида бир юз йигирмадан ортиқ савдо ярмаркаси ташкил этилади. Вилоят аҳолисига 160 тонна сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилади.

Хотин-қизларнинг юмушларини енгиллаштириш мақсадида турли тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар қўллаб тайёрланади, - дейди акциядорлик компанияси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари И.Қундузов. - Айни вақтда эҳтиёжманд, кўп болали оилалар, етим-есирларга хайрия ёрдами кўрсатилади. Чорвадорлар, дала ишлари билан банд бўлган меҳнаткорларга савдо хизмати кўрсатиш учун 35 та кўчма автодўкон ташкил этилади.

Бутун Оролбўйи ҳудудига бўлгани каби Тўртқўл туманида ҳам Наврўзи пухта таррадулар билан кутиб олинмоқда. Умумхалқ байрами арафасида Тўртқўл шаҳрининг марказий майдонини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари тугалланди. Эзгу мақсадлар учун 5 млн сўм харажат қилинди.

Шунингдек, шаҳарнинг ўнлаб хиёбонларию кўчалари ҳам ободонлаштирилиб бир неча минг тул меваги ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Маҳаллаларда сумалак сайли умумхалқ байрамига айланб кетди. Наврўз таррадуу ди



Касаба уюшмалари ҳамкорлиги: Ўзбекистон-Туркия

II. МАБЛАҒЛАРДАН ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ

Кейинги вақтларда Ўзбекистон касаба уюшмаларида касаба уюшма ходимлари ва фаолларини ўқитишга катта эътибор берилмоқда. Ана шу мақсадда изланишлар олиб борилапти. Касаба уюшмаларининг асосий вазифаси меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашдир. Агар касаба уюшма ходимни мустақил мамлакатимиз қонунлари, Республика Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, тўб ислохотлар йўналишларини, ишга оид турли тартиб-қоидаларни яхши билмасалар, қандай қилиб аҳолини ижтимоий ҳимоя қила оладилар?! Демак касаба уюшма ходими саводли ва билимдон бўлмоғи даркор. Шу сабабдан биз «Туркметалл» касаба уюшмасида ўқувни ташкил этиш масалалари билан қизиқдик.

Бизнинг вилоятлар каби Туркияда ҳам худудий чегараланган бор. Мунтазам равишда бундай худудларда тармок касаба уюшма ходимлари ва фаоллари ўқувни ташкил этилади. Унга тажрибадор касаба уюшма ходимлари, малакали иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар жалб қилинади. Ўқув лекция, семинар, ўзаро мулоқот шаклида олиб борилади. Бундай кунларда касаба уюшма ходимлари ҳамда фаоллари ишлаб чиқаришдан озоқд этилади ва ўртача иш ҳақини улар ишлаётган корхона тўлайди. Овқатланмиш, транспорт ва бошқа харажатларни тармок касаба уюшмаси кўтарди. Ўқув тугагач, имтиҳонлар ўтказилади.

Ўқув жараёнига биринчи босқичда энг яхши илгари билан тақриб этилади ва илгари билан фарқдорлик махсус ўқув марказларида олиб борилади. Ўлар асосан бир ҳафталик бўлиб, Эгей денгизи, Ўрта ер денгизи бўйидаги табиати ниҳоятда гўзал ғўшаларда жойлашган.

Халқимизда яхши бир мақол бор: яхши ният—ярим мол. Мустақилликка эришганимизга энди етти ярим йил бўлди. Туркиянинг мустақил бўлганига эса 75 йил. Юртимизда ўзгаришлар катта-фанимиз, техникамиз, халқ ҳўжалиги оқсала берса, биз ҳам бундай яхши кунларнинг гувоҳи бўлажакмиз.

Туркия касаба уюшмалари бу даража осонликка эришгани йўқ. Жуда оғир кунларни бошларидан кечирдилар. Таъбир билан бўлса, шу ўринда бир воқеани эслаб ўтишни ўринли деб билдик ва шу бахона «Туркметалл» касаба уюшмаларининг Бош раиси, Металл саноати ишчилари халқаро Европа ва Осиё мамлакатлари касаба уюшмаси Федерацияси Бош раиси Мустафо Ўзбек - жаҳон касаба уюшмалари ҳаракатининг машҳур даргаларидан бири ҳақида ҳам мухтасаргина хикоя қилиб ўтмоқчимиз.

Мустафо Ўзбек Анқарадан 70 километр узокликда жойлашган Қирққалъа саноат шаҳарчасида турилган. Саноат корхонасида ишчи, токар бўлиб ишлади, касаба уюшма ҳаракатида фаол қатнашди. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш ишида фидойилик кўрсатди. Касаба уюшма ҳаракати билан ўзи ҳам ўси, улғайди. Оддий ишчи «Туркметалл» касаба уюшмаси Бош раиси даржасига қўтарилиди. Жуда оғир ва қийин йилларни бошидан кечирди. Касаба уюшмалари у йилларда моддий яхбатдан охири эди. Шундай вақтлар бўлдики, касаба уюшмасида моддий маблағ етишмай қолди.

Бир вақтлар фаолият кўрсатиши учун маблағ етишмаган «Туркметалл» касаба уюшмаси ҳозир бир неча ўн миллион АҚШ долларига эга. Яқинда у Анқарага кўч қўшган тўққиз қаватли янги бинога кўчиб ўтди. Касаба уюшмаси манфаатларига хизмат қилувчи жуда кўп қурилишлар олиб борилмоқда.

Бизни ўқувдан кейинги машғулотлар дастурига мувофиқ бунёд этилаётган ўқув, спорт-соғломлаштириш мажмуига экскурсияга олиб боришди. Мазкур мажмуа шаҳар четига жойлашган экан. У жуда катта худудни эгаллаган. Бизни биринчи бўлиб икки минг ўринли мажлислар залига олиб киришди. Мазкур зал фойдаланишга тайёр қилиб қўйилган. Замон талаблари асосида бунёд этилган бу улкан мажлислар зали ниҳоятда чиroyли ва завқли эди. Бу ерда халқаро тадбирларни ҳам бемалол ўтказиш мумкин экан.

Спорт зали олимпиада талаблари асосида қурилган. Пастда, ўртада спорт майдони. Айлана тепалашиб кетган ўриндиклар саккиз ярим минг кишига мўлжалланган Вентиляция ва бошқа ускуналар тепага жойлаштирилган. Ажойиб акустика яратилган. Бу ерда бир неча марта халқаро анжуманлар, шу жумладан, халқаро симфоник мусиқа, Ўврусиё хотин-қизлар слёти бўлиб ўтган ва бинога юқори баҳо берилган.

Туркия яқин истиқболда Осиё ўйинларини ўтказиш учун ариза берган. Осиё ўйинларининг айрим турларини худуди шу антиқа спорт-соғломлаштириш мажмуида ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, усти ёпиқ сузиш ҳовузи ҳам алоҳида бинога жойлашган. У ҳам олимпиада талаблари асосида бунёд этилган.

Мажмуадаги бошқа бинолар қурилиш давом этмоқда. 518 ўринли меҳмонхона, 200 ўринли икита ресторан ва бошқалар шулар жумласидандир. Бизга қурилиш ишлари битган, лекин ҳижозланмаган 54 та ўйин кўрсатишди. Қизиғи шундаки, бу йиллар 3-5 хонали бўлиб, касаба уюшма ходимлари ва фаолларининг оилавий яшаш учун мўлжалланган экан.

Анги мажмуанинг мажлислар зали, спорт зали замонавий талаблар асосида бунёд этилгани учун мамлакат миқёсида, халқаро тадбирларни ўтказишга бюртмалар тушмоқда. Уларга катта ихара ҳақлари олинмоқда.

Шу ўринда бир савол пайдо бўлади. Касаба уюшмалари бундай улкан қурилишларга маблағларни қаердан топмоқда? Касаба уюшмалари маблағларни марказлаштириш ҳисобига, албатта. Чунки, бадаллар жойларда қолмайди. Улар тўғри «Туркметалл» касаба уюшмасига келиб тушади. Маблағларни қандай сарфлаш, тақсимлаш сўзсизда ҳал этилади. Ўқув ишлари учун тушган маблағларнинг ўн фоизи сарфланади. Шунингдек, сўзсизда касаба уюшма раҳбарлари, ходимларининг маошлари белгиланади. Худудий кўмита идоралари штатлари жойлардаги корхона, ташкилот, муассасалар сонига қараб тузилади экан. Маблағлар ажратилиши ҳам шунга қараб.

Ўқорида таъкидлаганимиздек ҳозир «Туркметалл» касаба уюшмасининг банкда бир неча ўн миллион доллар маблағи бор. Олиб борилаётган барча қурилишлар ўша, яъни банкдаги маблағлардан келган фойда, ҳисобига-дир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, касаба уюшма аъзоларидан аъзолик бадаллари ҳар ойда ишчининг бир кунлик иш ҳақи миқдоридан олинади. Аъзолик бадаллари корхона ҳисоб-китоб бўлиминдан тўғри «Туркметалл» касаба уюшмаси Марказий органига келиб тушади. Бу эса аъзолик бадалларини марказлаштириб самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Махмудхон ИСАЕВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлими мудири БУДИР ПЎЛАТОВ, «Ишонч»нинг махсус мухбири.

Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устивор ҳимоячиси

Ўлкамизда Наврўз нафаси. Жамалак соч мажнун-толлар майин -майин сийпалашга бошлаган шабадада эркаланиб рақсга тушади. Бодому ўрик гуллари боларилар ўйинидан китиги келган каби сарак-сарак... Ажаб, бу ҳолини ҳар йили кўрамыиз ва лекин, ҳар гал янгича идрок этамиз. Нега шундай экан-а? Балки бу бизнинг фасллар алмашувидан ҳам жамият ўзгаришига таъсирчан эканлигимиз туфайлидир. Ҳар қалай йигирманчи асрнинг сунги Наврўзини ўзгача руҳ, айрича бир кайфият билан қутиб олмақдамиз. Эртақларда таъриф қилинганидек, мустақиллигимиз кунда ой, ойда йил қадар ўсиб-ўлғаймоқда, бошқача қилиб айтганда, тенглар ичра тенг бўлмоқда ҳар жиҳатдан муносиб эканлигини тарих тасдиғидан ўтказмоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар эътирофи бизни шундай фикрлашга, айна вақтда кечагидан бугун, бугунгидан эртага жонбозлик кўрсатиб ишлашга, бошқаларни ҳам шунга даъват этишга ундамоқда. Бунда шак - шубҳасиз касаба уюшмаларининг ўрни бўлакча. Зеро, касаба уюшмалари нафақат меҳнаткашлар манфаатлари ҳимоячиси, шу билан бирга ўсиш - ўзгариш ва тараккиёт учун изчил курашиш сифатида майдонга чиқмоқда. Бу - давр таъассоси. Ишлаб чиқариш самарадорлиги билан меҳнаткашлар манфаатлари ўртасидаги боғлиқлиқни, ўйлаيمان-ки, эндиликда ҳеч ким инкор этмайди.

Мулкчилик шакллариинг ўзгариши, яъни, ҳусусий мулкчилик ва ижара пудрати муносабатларининг вужудга келиши, жамоа - ширкат, деҳқон - фермер ҳўжалиқларининг ташкил этилиши, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ва қатор қўшма корхоналарнинг ишга туширилиши касаба уюшмалари ишида ҳам тўб бурилишлар ясади. Ижтимоий - иқтисодий ҳаётда меҳнат қилиши ишчи халқ томонлама ҳимоялаш, ҳуқуқларини таъминлашнинг ўзига хос ҳусусияти турмушга таъдиқ этила бошланди. Давр олдимизга қўйган вазифаларини рўйбга чиқаришда келишув ва жамоа шартномалари сингари муҳим ҳужжатлар айниқса кўл келайтир. Кези келганда касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши меҳнаткашларни ҳар томонлама муҳофаза этиш мақсадида 1997 - 1998 йилларга мўлжаллаган жамоа келишувни тузиб, уни ҳаётга таъдиқ этиш жараёнида муайян тажриба ортирди. Бу ҳужжатга мувофиқ тармок касаба уюшмаси вилоят, шаҳар, туман бирлашган касаба уюшмаси кўмиталари, кенгашири зикр этилган ҳўжатларга асосланган ҳолда тармок бошқарув органлари ва жойлардаги хошимликлар билан ўзаранинг келишувларини тузиб олмақдалар. Лекин фақатгина қроғоз-ҳўж-жамоа илмуза имзо чекиш билан келмаб қолмаётгани йўқ - жамоа келишувлардаги мажбуриятларнинг баъжарилиши ҳол-

лари аниқланди. Иш жараёнида бундай камчиликларни бар-тароф этиш учун 245 та қўрсатма ва тавсиялар тақдим қилинди. Бунинг натижаси ўларок аҳвол яхшиланиб, меҳнаткашларнинг ўзи иш жойларига бўлган меҳри янада орталлиги амалда ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, 40 та носоз мослама ва ускуналардан фойдаланиш вақтинча тақийлаб қўйилди. Меҳнат муҳофазасига оид мезьёрларни бузганлиги учун мансабдор шахсларга 19.900 сўм миқдорда қарима солинди. Масалан «Қашқадарё - телликўм» Касби филиали, Нишон туман пахта тозалаш заводлари шулар жумласидан. Лекин гап жаримда ҳам эмас, балки шундай маъмурий жоазлар воситаси билан мутасадди шахслари тартибга қачирши, ўз вазифасига бўлган маъмуриятни оширишдир. Ҳўқуқни билмаслик масисо-

лоллаштириш ишларини намунали йўлга қўйиш учун булар кўпми ёки кам? Жавобини ўзимиздан излашимиз даркор. Чунки, келажакка ташланган нигоҳ, нафақат ютуқлар, шунингдек, бу ютуқларни қўйгайтириш имкониятларини кўра билиш билан ҳам белгиланади. Шундай қилишимиз керакки, эиё масканларни ҳамиша одамлар билан гавжум бўлсин, ҳар бири киши ўз саломатлиғи-юрт бойлиғи эканлигини англаб етсин. Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратлади, деб бежиз айтмайди. Юқорида тилга олганимиз муаммолар ва уларнинг ечимларини аёлларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Дарвоқе, Аёллар йили муносабати билан вилоят кенгаши ҳам бир қанча тадбирларни белгилаб олди. Шундай тадбирларнинг бирига асосан 1999 йилда аёлларга қўрсатиладиган имтиёзлар, моддий-маънавий ёрдамлар мажмуи маъмурият билан тузиладиган жамоа шартномаларига киритилмайдиган бўлди. Ҳайри иш одатда шундай бошланади. Уйламанки, булар бундан бунён ҳам яхши аёналар сирасида бизга мерос бўлиб қолади.

УМИДЛАР РЎЁБГА ЧИҚАДИ

ли тешик ҳамён билан бозорга боришдек гап. Шу боис бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, ўтган йили ҳуқуқий бўлиминиз томонидан 81 та корхона ва ташкилот меҳнат қонунчилигининг баъжарилиши атрофида таҳлил этилди. Юзага қалиб чиққан камчилик - нуқсонлар юзасидан 393 та тақлиф ва талаб, 57 та тақдирнома берилди. Йил давомида тушган ариза ва шикоятлар текширилиб, тегишли чоралар қўрилди. Ноҳақ ишдан бўшатилган ўн икки ходим ўз вазифасига тикланди. Икки мансабдор шахсга қарима солинди. Иш ҳақи масаласи ва уни ўз вақтида бериши қаролатлаш касаба уюшмаларининг ўқ томири десам, мулоҳаза бўлмас. Боз устига бу бозор муносабатларининг муваффақиятини таъминловчи омили ҳамдир. Айтиш лозимки, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган кишилар учун ортқиқча муаммо йўқ, улар маошларини ой сайин олиб туришбади. Лекин бир қатор ишчилик қирғини корхоналарда, қишлоқ ҳўжалиқларида бундан меҳнаткашлар учун ёки бу сабабга қўра иш ҳақларини 3-4 ойлаб кечимиб олмақдалар. Шу муносабат билан биз жойлардаги касаба

та қўшма корхонанинг 18 тасида бошланғич кўмиталар тузишга эришилди. Эндиги вақфга эса мавжудларини мустаҳкамлаш ва айна вақтда тузилган жамоа шартномаларининг нечоғлик меҳнаткашлар манфаатини ифода этганлигига эришилди. Моддий ва маънавий дунё, қомил инсон ва адрлатли жамият уйғунлигига эришиш баъжарилган қадим орузси. Мамлакатимиз миқёсидаги барча савий - ҳаракатлар ана шу орузни рўйбга чиқаришга қаратилган. Ҳўзир ҳар ким «бунинг учун мен мени қиламан» дея ўз - ўзига савол берадиган пайт. Шунинг учун, истиқлол тақдирни одамлардаги шижоат ва интилиш, уларнинг ўз кучи ва иқтидорига, баъжарилган юмушларининг истиқболга бўлган ишончига боғлиқ. Бугун вилоят касаба уюшмалари ташкилотларига қарашли 44 та кутубхона мавжуд. Улар 165 миңдан зиёд китоб фондига эга. Бундан ташқари, касаба уюшмалари ҳисобида 14та ўйингоҳ, 17 та қўл тўпи, 115 та футбол майдони, 20 та сузиш зали, 5 та сузиш ҳавзаси ва 6 та теннис корти ишлаб турибди. Эиё тарқатиш ва соғ-

Эсонбой РАҲАМБОВ. Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси



Замонавий пахта тозалаш заводи

Янгийўл туманидаги пахта тозалаш заводи нафақат вилоятда, балки республикамиздаги илгор корхоналардан биридир. 600 дан ортқиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мажкур жамоа ишлаб чиқаришда салмоқли ютуқларни қўлга киритаётир. Корхонада иш 3 сменада ташкил этилган бўлиб, бир кеча-кундузда 45 тоннага яқин пахта толаси тайёрланади. Янгийўллик пахтакорлар ўтган йилги ҳосилдан кўпроқ Англия ва Белгияга қўнатилди. Биргина Швейцарияга 300 тон-



Суратларда: Корхона раҳбари Муборак Мирзахонов ва ҳайдовчи Мамат Эгамбердиев; Тайёр толлалар хорижга.

на тола экспорт қилинди. Айни пайтда яна шунча миқдорда толага харидор бўлган Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмасига юк ортिला бошланди. А.ШАРИПОВ олган суратлар.

1999 йил - Аёллар йили

ҲАЁТИНИНГ ЎЗИ БИР ҚЎШИҚ

Хива - қадимий шаҳар. Шарқнинг мўмтоз меъморий обидаларини ўзида жамлаган ажойиб ғўшалардан бири. Дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буряраётган минглаб сайёҳлар эътиборини шартан манзара - обидаларни ўраб олган яшиллик олами энди дегарли йўқ. Бир томони сўнгиз сакрога туташ, шурланмишдан ҳоринлаган гўлроқ - шаҳардаги яшилликни ямлаб ютган. Шундайдир, аввалги осмонупар тераклар, азим чинорлар қолмаган. Узок-узоклардан буй чўзган дарахтларнинг эмас, бир-бирига қалашиб кетган иморатларни, қадим - минораларга, макбаралар, Қалъа деворларини кўрасиз. ... Дижон қалъанинг ярим вайрона деворларига шундоқ ёндош бир масканда эса шаҳарнинг «ўз ўрмони» бор. Ростакан ўрмон. Бу ерда шимол қарағайлари, жануб манзарали

дарахтлари осмонга буй чўзиб турибди. Ихчамгина масканда йигирмадан ортқиқ турли дарахтлар «бир оила фарзандлари» яхлит яшнаб, яйраб, дилларга завқ бағишлайди. Ушбу маскан - ёш авлоднинг она табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашдек муқаддас ишда ўзига хос мактабдир. Гап Хива шаҳар, туман халқ таълими бўлими билан таништирар экан. - Шу даврда бу ерда шаҳарнинг минглаб ёшлари табиат билан яқиндан танишдилар. Табиатга, ҳайвонот оламига муносабатларини қамол топ-

тирдилар... Опанинг мазкур даргоҳга раҳбарлик қилаётганига ҳам йигирма йилча бўлди. Бу оз муддат эмас. Аёл биз билан ихчамгина жамоада намунали интимиқ ўрнатди, тўғрақларнинг фақат қорғода эмас, амалда фаолият кўрсатишига, уларга қўллаб қўувчиларни тартишга, машғулотларнинг назарий қисмидан кўра амалий қисми кўпроқ қизиқарли ва ёдда қоладиган бўлишига эришди. Ёш табиатшунослар музейида саккиз тўғрақ мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Гулчилик, боғдорчилик, паррандачилик, балиқчилик,

«Масканимиз илқидида озорқ майдонлар ва боғи-миздан чиқадиган мева, сабзавот маҳсулотлари билан шаҳардаги Болалар уйи тарбияланувчиларини мунтазам таъминлаб келаямиз,- дейди опа. - Бу савобли иш фаолиятимизнинг асосий қирраларидан бирисига айланган». Опанинг Болалар уйи ҳақида самимий сўзлаши ҳам бежиз эмас. Шаҳардаги бу машҳур Болалар уйига беш йилдан ортқиқ раҳбарлик қилган йилларда унинг кўнгли болаларга онадек, орадек меҳрибонлик қилгани, ҳар бир тарбияланувчини фар-

занди ўрнида қўрганани яхши эслашади. Хивада вилоятда ягона бўлган яна бир маскан бор - бу ақли заиф болалар уйи. Ушбу маскан ҳақида, унинг тарбияланувчилари бўлиши норасидлар борасида қўзда ёки, қўнғилда муҳаббат билан сўзлаш учун бу ерда ҳеч бўлмаганда бир йил эса ана шу болалар уйига ўн йил оналик қилган - раҳбарлик қилган муқаддас аёл! Опа асли тошқувулик тақдир тақозоси билан Хивага келиб бўлиб тушган. Бошланғич таълим хоҳасида аввал ўрта махсус, сўнгра олий маълумот олган шижоаткор, ёш педагогга унинг илк фаолиятидаёқ катта ишонч билдиришган эди. Уни болалар боғчаси мудирига қўйиб таништирди. Соҳа раҳбарлари ёш педагогга раҳбарлик қобилияти, ташкилотчилик ҳусусиятларини яхши илғашган, унга ишонинганди. «Урним ёш авлод билан боғланди ва ҳар бир шогирдимда узок йиллик меҳнатларим изини қураман. Бу қасбни таниганидан бахтлиман,- дейди опа. Опа катта оиланинг бекаси. Тўрт фарзанди тарбиялаб, Ватанга муносиб хизмат қиладиган кишилар қилиб етиштирди. Оилада саккиз неварга қамол топмоқда. Саодат опадаги аёлларга хос назокат билан бир эркакларга хос мардлик, ҳомилиқни илғаш қийин экан.



Олимпжон НАЗАР, Рўзимбой ҲАСАН, Ш.ЁҚУБОВ.

Соғлиқни сақлаш тизими: ислоҳот мевалари

Бир пайтлар бедаво деб қаралган кўпгина касалликлар бугунги кунда инсон ҳаёти учун катта хавф солаётгани йўқ. Инсониятнинг ўртача яшаш даври ҳам ҳозир у қадар паст даражада эмас. Бинобарин, тиббиёт соҳасининг узлуksиз тараққий этиб бориши, даволаш усуллари кенгайиб бораётгани ҳақто энг «асов хасталиклар»нинг жловини тортишда имконият яратди. Ана шундай мураккаб касалликлардан бири рак — ўсма касаллигидир. У билан хасталанган беморнинг ҳолатини дастлабки вақтларда аниқлаш қийин кечиб, ҳатто ташхис қўйиш ҳам мушкул бўлади. Шундан бўлса керак, сўнгги пайтда жаҳонда бу дардга мубтало бўлаётганларнинг миқдори камаймаяпти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, 1997 йили жаҳонда 9 миллион 235 минг киши ўсма билан оғриган. Шулардан олти миллион ҳаётдан барвақт кўз юмган. Бу эса дунёдаги жами ўлим ҳодаларининг 12 фоизини ташкил этади. Му-

хтасисларнинг фикрича, маъмур онкологик касалликлар билан оғриётганлар сонининг ортиси, аввало ер юзиде глобал экологик бузилишлар, инсоннинг табиатга ва ўз турмуш тарзига бефарқлиги билан изоҳланаркан. Таасуфки, жаҳондаги онкология билан боғлиқ муаммолар мамлакатимизнинг ҳам четлаб ўтмади. Бугун маъмур касалликка чалинганлар сони бундан ўн беш йиллар аввалгига нисбатан кўпрокни ташкил этади. Лекин шунини алоҳида эътибор этиш лозимки, рак касаллигига қарши курашиш жаҳон бўйича қанчалик шиддатли ҳаракатга айланган бўлса, мамлакатимиз тиббиёт тизимида ҳам шу шиддат, шу ғайратни кузатиш мумкин. Ҳатто айтиш мумкинки, онкология соҳасидаги ўзбекистонлик шифокорларнинг изланишлари АҚШ ва Ғарбий мамлакатлардаги ҳаракатлардан сўст эмас.

ДАРД ЧЕККАН ТАБИЪ

169 миллион сўмлик рентген ускунаси ва компьютер томографияси ўрнатилди. Албатта, янги, замонавий технологияларсиз бугунги тараққийоти тасаввур қилиш қийин. Эндиликда янги ускуналар воситасида касалликни энг бошланғич даврида аниқлаш имкониятлари янада кенгайган. Бундан ташқари институтда хавфли ўсма касалликларини ташхислаш ва уларни даволаш бўйича муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган 75 та услуб асосида иш олиб боришмоқда. Хусусан, бу ерда ўсма ҳужайраларни лабораторияда текшириш-

де муваффақиятли натижага эришилди. Ўзбек онколог олимлари эришган катта ютуқ — биотехнология препаратлари ёрдамида ўсма ҳужайраларини аниқлаш бўлди. Маъмур усулнинг бевосита ёрдамлари билан клиникамизда «Сименс» компаниясининг

ўзлари ҳам касалликнинг илк даврларида турли хил табиб, фолбин ва кўлобола даволанишлар учун кўп вақтни йўқотадилар. Онкологик касалликлар бугун ёки кечагина пайдо бўлгани йўқ. Инсоният бу касалликка қарши минг йиллардан буён курашиб

длар ортади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, инсон бирорта касалликни даволатганидан кўра, унинг олдини олгани, профилактик меъёрларга эътибор қаратгани маъкул. Ушбу касалликни даволаш усулларига келсак, Ўзбекистонда бу борада аҳа-

фоизни ташкил этади. Қолаверса, ўтган йили 80 ёшлик юбилейини нишонлаган жаҳонга машҳур ёзувчи, Нобел мукофотининг совриндори Александр Солженитсин хавфли ўсма билан оғриганда айнан Тошкентда даволанганини катта эшдагилар эслаша керак.

Касалликларни каймайтиришнинг яна бир самарали йўли аҳоли онда ҳар йили бир марта тиббий кўрикдан ўтиб туриш кўникмасини шакллантиришдир, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий статистика бўлими бошлиғи Саидмурод Саидхамедов. — Тиббиёт ҳодимлари, аввало шифокор-ҳақимлар бемор даволангандан сўнгги беш йиллик умрини қандай ўтганлиги билан белгиланади. Ушбу соҳадаги муваффақиятлар АҚШ, Франция ҳамда Россиядан кейинги ўринда Ўзбекистонга тегишли эканлиги ҳар биримизни фахрлантирса арзийди. Хусусан, онкологик муолажалардан сўнг беш йиллик умри соғлом ўтказганлар АҚШ да 52 фоизни, Россияда 44 фоизни, бизда эса 42

САЙР ҚИЛИНГ, СОҒЛОМ БЎЛАСИЗ

«Сайр қилинг, соғлом бўласиз ва ризқланасиз» дейилади муборак ҳадислардан бирида. Ана шу ақлдага амал қилган Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари кенгаши вилоят «Сурхон-сайёҳ» жамоа қорхонаси билан биргаликда 1999 йилнинг март ойи охирида Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларига саёҳатлар уюштирилган бўлиши. Сайёҳатчилар учун барча имконият яратилган бўлиб, улар махсус поездда йўлга чиқишади. Тур кун давомида улар Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларининг зиёратгоҳ, энг диққатга сазовор жойларида бўлади. — Биз касабаси уюшмасининг фаол аъзоларини дам олдириш ва сайёҳатчилик мақсадида катта бир ишга қўл урдиқ дейди, — Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари кенгаши раиси А. Аҳмедов. — Зеро республика касабаси уюшмалари Федерациясининг устивор йўналишларидан бири ҳам меҳнатқилларни дам олдириш ва соғломлаштиришдир. Сафарга отланаётган 700 нафар аъзоларимиз маданий ҳордиқ чиқаришиб, маънавий дунёларини янада бойитиб қадрдон гўшаларига қайтишади. Бу каби саёҳат ишлари бундан кейин доимий равишда амалга ошираверамиз. Р. ДАВЛАТОВ, «Ишонч» мухбири.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларингизга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош ноизи Карим Мухторов жавоб беради.

Савол: Олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида қиришда ҳамда ишдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга қандай имтиёзлар белгиланган?

Ў. Реимбоев, Нукус шаҳри.

Жавоб: Амалдаги қонунларга мувофиқ, иш берувчи ходимларига олий ва ўрта махсус ўқув юрталарига ўқишга киришда ва ишдан ажралмаган ҳолда таълим олишлари учун барча зарур шароитларни яратиб бериши шарт. Ишдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил олиш, шунингдек, қисқартирилган иш вақтида ишлаш ва Меҳнат Кодексига кўрсатилган бошқа имтиёзлардан фойдаланадилар:

— ходим ўқишга кириш учун тегишли бўлган барча ҳужжатларни ўқув юртига топширгандан сўнг, олий ўқув юрталарига кириш имтиҳонларидан ўтиш учун камида 15 календар кунни, ўрта махсус ўқув юрталари учун камида 10 календар кунни давомийлигида иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилади. Ўқув юрталари жойлашган жойга бориш ва у ердан қайтиб келиш кунлари бу муддатлар ҳисобига кирмайди. Демак, ходим ўқув юртига бориб келиш вақтини ҳам қўшиб ҳисоблаган ҳолда таътил олиши керак;

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётганларга иш вақти бўйича ҳамда таълим олиш муносабати билан бериладиган таътиллار ва ўқув юрти жойлашган ерга бориш учун ҳақ тўлашдаги имтиёзлар белгиланган;

— машғулотларга тайёргарлик қилиш учун таълим олаётган 6 кунлик иш ҳафтасида ишлаётган ходимларга диплом ишини бажаришдан ҳамда битирув имтиҳонларини топширишдан аввал 10 ойлик ўқув босқичи давомида ҳафтада 1 кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилади. 5 кунлик иш ҳафтасида ишлаётган ходимларнинг ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб қолади;

— сирдан таълим олаётганларга: олий ва ўрта махсус билим юрталарининг биринчи ва иккинчи босқичида ўқиётганларга ҳар йили 30 календар кунни, ундан кейинги босқичларда ҳар йили камида 40 календар кунни миқдориде қўшимча таътил берилади;

— Олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида таълим олаётганларнинг битирув имтиҳонларини топшириш давридаги қўшимча таътили камида 30 календар кунини ташкил қилади;

— диплом ишини тайёрлаш ва уни ёқлаш даврида олий ўқув юрти талабаларига 4 ой, ўрта махсус ўқув юрталарида таълим олаётганларга эса 2 ой муддатта қўшимча таътил берилиши керак;

— ишдан ажралмаган ҳолда таълим олаётганларга қўшимча таътиллари кўрсатиб ўтилган муддатлардан кам бўлмаган миқдорда ўқув юртидан берилган қақирув қозғида кўрсатилган муддатта мувофиқ равишда берилади ва бу давр давомида ходимнинг ўртача иш ҳақи ҳамда иш жойи сақланиб қолади.

Бу қўшимча таътиллари ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарининг охириги курсларида ўқиётган ходимларга диплом ишига материаллар тўплаш учун 30 календар кунни муддатта иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилади. Бу таътил даврида талабалар ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендиялар белгиланади.

Сирдан ўқиётган ходимларнинг ўқув юрти жойлашган манзилга боришлари ва қайтишлари учун йўл ҳақини тўлашда ҳам бир қанча имтиёзлар белгиланган. Яъни, уларга ишончаси томонидан имтиҳон сессиясида қатнашишлари учун йўлига бир марта йўл харажатларининг эллик фоизидан кам бўлмаган қийматини тўлайди. Ҳақ тўланган йўл чиптаси бунга асос ҳисобланади (Самолёт ва купе вагонларга олинган чипталар бундан мустасно).

Иш берувчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишлари қаршилик кўрсатишга ҳақли эмас.

Савол: 1963 йилдан 1993 йилга қадар 30 йил давомида тиббиёт соҳасида акушер-гинеколог бўлиб ишладим. Иш давомида чўл ҳудудларида ҳам ишлашга тўғри келди. 1984 йилда мен ишлаётган шифохона Когон туман марказига кўчирилди. 1993 йил август ойида туман марказидаги поликлиникада акушер-гинеколог вазифасида ишладим. Лекин, шифохона туман марказида жойлашган деб, бизни газ, электр энергиясидан бепул фойдаланиш имтиёзларидан маҳрум этишди. Шу тўғрими?

Ч. Қосимова, Бухоро вилояти.

Жавоб: Қишлоқ жойларида ҳам яшаб, ҳам ишлайдиган тиббиёт ходимлари — шифокорлар, провизорлар, ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ва улар билан бирга яшаётган оила аъзолари ҳозирда ҳам амалда бўлган Ўзбекистон ССР Министрлар советининг 1988 йил 31 октябрдаги 392-сонли қарорига мувофиқ фақат яшаш хоналарини иситишдан бепул фойдаланадилар. Бошқа ҳолларда эса газдан фойдаланишда тариф асосида тўлиқ ҳақ тўланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ходимлар ушбу қарорда электр энергиясидан бепул фойдаланишлари ҳақида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Бу имтиёздан фойдаланиш учун ходим албатта, қишлоқ жойда ҳам яшаб, ҳам ишлаётган бўлиши шарт. Электр энергиясидан бепул фойдаланишда чекланишлар кўзда тутилган бўлиб, у ойига 110 квтн ташкил қилади. Ундан ортиғига тўлиқ тариф асосида пул тўланади.

Агар сиз шаҳарда, шаҳар посёлкида ҳам ишлаб ҳам яшаётган бўлсангиз газ ва электр энергиясидан бепул фойдаланишга ҳақингиз йўқ.

Савол: Тизмат сафари харажатлари учун ҳуқуқат томонидан белгиланган компенсациялар сафар давомидаги харажатларни қопламайди. Бу муаммони ҳал қилишда иш берувчи қандай йўл тутиши мумкин?

Жавоб: Ҳақиқатда ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 16 августдаги 287-сонли Фармойишига биноан Тошкент шаҳри, вилоятлар марказига хизмат сафарига ўнатишган ходимларга Республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг (1320 сўм) 0,1 коэффициентини миқдорда, яъни сўтасига 132 сўм тўланади. Албатта, бу ҳақ бир сутка давомида сарфланадиган харажатларни қопламайди. Фармойишда хизмат сафарларига мўлжалланган, сметада кўрсатилган маблағ чегарасидан чиқмаган ҳолда муассасаларда суткалик харажатларнинг янги меъёрларини жорий қилишга рухсат берилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 37-моддасида муассасада тузиладиган Жамоа шартномасига қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган хизмат сафари харажатларига қўшимча имтиёз ва компенсациялар киритилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Шундай экан, ҳар бир муассаса белгиланган қоидага амал қилган ҳолда суткалик хизмат сафари харажатларига ўзгартириш киритиши ва бу ўзгартириш жамоа шартномасида тасдиқланган бўлиши керак.

Хизмат сафари харажатларига ўзгартириш киритилганда шунини ҳам ёддан чиқармаслик керакки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 49-моддасига биноан ходимларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган меъёрлар доирасида бериладиган хизмат сафари тўловларининг миқдори жами йиллик даромадга киритилмайди.

Белгиланган меъёрлардан ортиғи, яъни суткасига 1320 сўмдан ошқ қисми муассасанин жамоа шартномасига ўзгартириш киритилган бўлса йиллик даромадга киритилади ва ундан даромад солиғи олинади.

Танловга марҳамат

Фарғона вилоят оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаш-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорликда Аёллар йили муносабати билан «Энг улғ, энг азиз — Аёл — ижодкорлар нигоҳида» танловини эълон қилди.

Танловга тақдим этиладиган асарларда мустақиллик йилларида хотин-қизларимиз ҳаётида юз берган улкан ўзгаришлар, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги маънавий ортганлиги, оналар ва болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлат сийосати даражасига кўтарилганлиги акс эттирилиши лозим. Танлов ғолиблари республикамиз мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида аниқланади.

Наманган насос станциясининг вилоят иқтисодиётида тутган ўрни беқийс. Станция катта Наманган каналидан сув олиб вилоятнинг Тўрақўрғон, Қосонсой, Наманган, Чуст туманлари экин майдонларини оби ҳаёт билан таъминлайди. Шу нарса эътиборга молиқки, каналдан олинган сув 80 метр баландликка узатилади.

Станция инженер техник ходимлари баҳорги мавсумга пухта ҳозирлик билан келишди. Насос станциясидаги барча тармоқлар сифатли таъмирланиб, тайёр ҳолга келтирилди.

Суратда: Насос станцияси ишчилари Абдулҳоди Ғофуров ва Исматилла Ҳикматиллаевлар.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



«Ишонч» бонг уради

Қорақалпоғистон: Авария ҳолатидаги кутубхоналар

Республика Маданият ишлари вазирлиги тизимида бугунги кунда 469 та оммавий кутубхона, яъни 17 та марказлашган, 45 та болалар, 23 та шаҳар, 18 та туман филиаллари ва 363 та овул кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу билим масканларида кейинги пайтларда ташкил этилган оммавий-маданий-маърифий тадбирлар кенг меҳнатқиллар томонидан илқ қарши олинмоқда. Айниқса, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райхон ал-Беруний, Бердақ Қарабой ўғли юбилейлари ҳамда «Оила йили»га бағишланган китоб тўғрисида, адабий кечалар, ажойиб тақдирли кишилар билан учрашувлар, суҳбатлар, турли кўрик-танловлар ўзининг қизиқарлилиги, сермазмунлиги ва таъсирчанлиги билан ёдда қолди.

Маълумки, барча даврларда китоб маънавияти ва маърифатнинг сарчашмаси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз билим манбаи — китобларни олтин баҳосида баҳолаб, уни кўз қорачиқиде асраб-авайидаганлар. Зеро, кутубхоналарнинг асосий фаолият мазмуни — ҳар хил тоифадаги ўқувчиларни китоб билан таъминлаш, уларнинг дунёқарашини шакллантиришда амалий ёрдам кўрсатишдир. Шу маънода вазирлик тизимидаги оммавий кутубхоналар бебаҳо бойлик — салкам 6 миллион номдаги ҳар хил адабиётлар фондида эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фақат ўтган

ни йўлга қўйиш пайти келмадимикан? Айниқса овул кутубхоналарида бир манзара кўпроқ кўзга ташланади. Бу — улар моддий-техника базасининг гоят ноҳор аҳволда эканлигидир.

Қишлоқлардаги барча кутубхоналаримиз фақат мослаштирилган биналарга, баъзилари кичик-кичик хоналарга жойлаштирилган, — дейди Қорақалпоғистон республика кутубхонаси директори Қаршига Наврўзбоева. — Ҳатто, Орол бўйида ягона ҳисобланган республика кутубхонаси ҳамон рисоладагидек биного эга эмас. Нукус шаҳрида бир неча ўн йиллардан буён республика кутубхонаси учун махсус бино қуриш тўғрисида гап-сўз юради. Аммо, ҳалигача унинг лойиҳа ҳужжатлари йўқ.

Қорақалпоғистон бўйича 24 та кутубхона биналари авария ҳолатида. Хусусан, Эллиққалъа туманида 3 та, Нукус шаҳри, Мўйноқ туманида ҳам шунча, Қораўзак, Қонлиқул туманларида икки та, Хўжайли туманида эса 5 та кутубхона биналари талабга жавоб бермайди. Энг ачинарлиси, 469 та оммавий кутубхоналарнинг фақат 40 таси Қорақалпоғистон

Маданият ишлари вазирлиги тасарруфиде. Қолган 429 таси бошқа ташкилотлар, муассасаларга бериб қўйилган. Боз устига кутубхоналарни инвентарлар билан таъминлаш тўғрисида кейинги икки йилда бирорта амалий иш адо этилмади. Чунки, бу мақсадлар учун маблағ ажратилмаган. Қўриқиб турибдики, Қорақалпоғистондаги мавжуд зиё масканлари амалий қумакка муҳтож. Биз бу ўринда кутубхоналарни компьютер ёки бошқа турдаги мураккаб техник воситалар билан жиҳозлаш, ҳорижий кутубхоналар билан алоқани йўлга қўйиш тўғрисида эмас, балки шу кун учун гоят зарур бўлган оддий ёрдамлар, жумладан фондларни янги адабиётлар билан тўлдириш, вақтли наشرлар обунасини йўлга қўйиш, энг зарур мебеллар, жиҳозлар билан таъминлаш хусусида сўз юритяпмиз, холос.

Бу ёрдам тезроқ амалга ошириلسа, нур устига нур бўлган бўлар эди.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири

ЯНГРАР БАҲОР ҚЎШИҒИ

Бошланади наврўзда ўйин-кулги, гулёрлар, Янграр баҳор қўшиғи, ўқилади ашёрлар.
Кураш, пойга қизийди, дор ўйини бир ёнда, Янги келин-куёвга айтилади ёр-ёрлар.
Бахши чалиб дўмбира, айтар дoston, термалар, Раққосалар ракс тушар, сайрар танбур, дуторлар.
Турли наврўз неъматни қувват берар танларга, Томошадан рухланиб, соғаяди беморлар.
Йўқолади гиналар наврўз куниди, Тўра, Давра кураш ҳушчақчақ аразлашган дўст-ёрлар.
Тўра ЖУМАН

ЛУТФУ ҲИММАТГА САЗОВОР

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёгин гарди.
Абдурахмон ЖОМИЙ.
Аёл олқилаю эр ишбилармон, Демак, кундан-кунга обод хонадон.
Хусрав ДЕХЛАВИЙ.
Аёл, бил, лутфу ҳимматга сазовор, Гудакдек меҳру шафқатга сазовор.
Носир ХИСРАВ.
Йигитнинг обрўйи яхши заифдир, Яхши заиф нокас эрга хайфдир.
МАҲТУМКУЛИ.

Хар бир инсон вояга етар экан, оила кураётганида яхши ниятлар қилади. Бир умр севган киши билан бахтли яшаш орузида бўлади. Кузда тўйимиз бўлди. Ушунда эндигина 17 ёшга тўлган эдим. Ёшлик килдимми ёки ҳали оила куришга тайёр эмаслигим сабаблими, ярим йил ҳам ўтмай оиламиз бузилиб кетди. Уша вақтда мен оиланинг нақадар муқаддаслигини, уни ҳар қандай шароитда ҳам асраб қолишга ҳаракат қилиш бурчим эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.
Қисқаси, оиламиз бузилишига ўзим сабабчи бўлгандим. Чунки мен тушган хонадон катта оила эди. Бир ҳовлида 28 киши яшарди. Улар бир-бирлари билан иноқ ва жуда аҳил, меҳрибон эдилар. Қайнонам бўлмиш Саломат ая оқила ва сабр-бардошли аёл эдилар (охират-

САҒЪАТ ҲИНДИСТОНЛИКЛАР МЕҲРИ
Республикамизда фаолият олиб бораётган Ҳиндистон маданий марказида Ўзбекистон бадий Академияси ҳузурлидаги расмлар ижодий бирлашмасининг аъзоси, хайкалтарош Туркман Эсонов асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.
Уни Ҳиндистон маданий маркази ва Ўзбекистон бадий Академияси биргаликда уюштирдилар.
Кўргазмада Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси, Ҳиндистон маданий маркази раҳбари вазифасини бажарувчи жаноб Ашок Кумар Шарма Туркман Эсоновнинг асарлари ҳақида фикрларини билдирди.
У бу каби талбирлар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда деди.
Шундан сўнг Ўзбекистон бадий Академиясининг академик котиби, хайкалтарош Тулаган Тожиқужаев, Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Абдумўмин Бойматовлар ҳам муаллиф асарлари, унинг саънатдаги ўрни тўғрисида ижобий фикрларини билдирдилар. Жумладан, улар Туркман Эсоновнинг ижодий фаолияти ўз усталари билан ном чиқарган Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Газгон қишлоғи тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳақида тўхталдилар.
Туркман Эсоновнинг асарлари Улан Уеда, Брюсселда, Копенгагендаги кўргазмаларда намойиш қилинган.
Маданий марказдаги ушбу кўргазмага эса унинг металлдан яратилган «Ўлбўк», мрамрдан ишланган «Усто», «Амир Темур» мрамр лагани, гипсдан тайёрланган «Темур қўшқда» каби асарлари қўйилди.
Мухаббат ўРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири

Ўқинч

ёки кечиккан эътироф

лари обод бўлсин). Улар мени оилаларига келин эмас, ўз фарзандларидек қабул қилдилар, ёшлигимни ҳисобга олиб, билмаганларимни кунт билан ўргатдилар.
«Қизим, ҳали ҳамма ишни ўзингиз қиладиган бўлиб кетасиз. Фақат шу оилага меҳр қўйсангиз бўлган. Сизлар ҳам ўлим билан мана овулингарингиз сингари катор-катор фарзандлар ўстирасизлар. Аразлашни одат қилманг, кўнгил совийди. Орада оила бузилади, болом. Аёл киши учун кўз очиб кўрган хонадон азиз бўлади» — дедилар.
Аммо... болалик қилдим. Аразлаб ўша хонадондан чиқиб кетдим. Орадан кўп ўтмай кўрган меҳр-оқибатларим армонга айланди. Энди, афсуски фойдаси йўқ.
Умр шиддатли, бетакрор, айни пайтда бешафкат ҳамдир. Унинг аччиқ сабоки энди ўзимни насиҳатлўйга айлантди. Биров аччиқланса, аразласа қалбимдан нидо отилиб чиқади. Азиз сингиллар, ёшлик қилиб енгил хулоса чиқарманг. Бир умр армон қалбимни кемирмасин десаңгиз, ҳаётда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларга бардошли бўлинг, оилани, муҳаббатни ҳамма нарсадан устун қўйинг.
Лутфинисо ОДИЛОВА, Пискент шаҳри

Ҳар тўғрида СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«Иллюзия» сўзи лотинча «Иллюзио»-чалғиш, алдаш сўзидан олинган. Иллюзионистлар кўп асрлар мобайнида фокус (кўзбойловчи)ликдан ташқари, бошқаларнинг фикрини ўқий олиш, оғиз очмай гапириш, ғойибдан хабар олиш, фан-техниканинг гаройиб янгликларини намойиш қилиш билан шугулланиб келдилар.
Иллюзионизм санъатида доир энг қадимги манба - Весткар папируси деб аталувчи ёзма ёдгорликдир. У қадимги Мисрда милoddан аввалги XVII аср сўнггида битилган ривоят ва панд-насихатлар тўпламидан иборат.
Ривоятлардан бирида қадимги Мисрдаги профессионал сайёр кўзбойловчилар ҳақида сўз боради, чунончи, улардан бири, кўзбойловчи ва ҳайвон ўргатувчи дехқон Жеди ҳатто шерни ортидан эргаштириб юра олар экан.
Халқ санъатининг бу тури Ўзбекистонда ҳам қадимдан бор. Хусусан, у XV асрда кенг тарқалган эди. XIX асрда Бухорода Тиллаҳон («Писта даҳан») ва унинг ўғли Мармархонлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва туманларидаги бошқа кўпгина ўзбек кўзбойловчилари ўз санъатлари билан элда ном чиқаришганди.

АСАЛАРИ ҲАҚИДА ПИЧА

Асалари ва чумолилар оламжаҳон ишнинг уддасидан чиқади. Масалан, асаларилар битта уяга йил буйи 100 килограммгача асал ва 25 килограммгача гулчанг тўплайди.
Сариқ чумолилар галаси бир йилда 200 килограммгача захарли ҳашоратларни қириб ташлайди.

Хаво ҳароратининг юқорилиги асаларилар ҳаётида мум асални юмшатиш учун зарур. Катталар яшаш чоғида ишчи асаларилар зич бўлиб қўлланади.

Шунда гул орасидаги ҳарорат қисқа фурсатда 35 даражагача кўтарилади. Асаларилар, тажриба мақсадида, яхши иситилган уяда сақланганда, мум эритиб катак яшаш учун қўлланадиган.

Агар асалари ёки чумолини ўз шерикларидан ажратиб ёлғиз сақланганда, хар қанча етарли оватка ва яхши шароитга қарамай бир неча соатга бормай ўлади. Мутахассисларнинг айтишича, асалари ўз қавмини бир неча вақт кўрмай қолгудек бўлса қаттиқ ҳаяжонланиб шу қадар кўп энергия сарфлайдики, кейин уни тиклай олмайди.

Хар қайси асаларининг ҳаёти фақат ўз гуруҳдошлари ишлаб чиқарадиган қандайдир модда билан таъминланиб тураркан.

А.АЛИЕВ тайёрлади.



Ҳаётимизни буюк неъмат - нонсиз тасаввур қилиш қийин. Қамашни тумани марказида ишлаб турган «Иссиқ нон» мажмуида бугунги кунда нон маҳсулотларининг ўндан ортиқ тури истеъмолчиларга тортиқ қилинапти. Ўзига хос ҳашамат билан барпо этилган ушбу савдо дўкони туман меҳнатқашларининг сеvimли масканига айланиб қолган.
Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат

Жаҳон чемпионолари

СМИСЛОВ


1935 йилда Москвада навбатдаги халқаро турнир ўтказиларди. Унинг доимий томошабинлари орасида ўн тўрт ёшли новчадан келган, озингина ўспирин ҳам бор эди. Ёшига нисбатан жиддийроқ бу бола турнир залига биринчилар қаторида келар ва уни ҳаммадан кейин тарк этарди.

Вася Смилов машхури олам Ласкерга илхос билан тикилиб боқарди. Мана у чорак асрдан кўпроқ шахмат оламини ўз галабалари билан мафтун этган ўша улуг донишманд!
Ҳозир саҳнада ўтирганларни кўпининг портретларини у илгарки китоб ва тўпламларда учратган. Эндиликда у шахмат сеҳрларининг ўйин пайтида кўришни истарди. Ким билади, балки муваффақият сирлари устидаги пардани хиёлгина очиб кўриш насиб этар...

Вася ўзини шахматда бошловчи ўйинчи деб санамапти. Уша вақтга кели у... уй турнирларида «қатнашиш» борасида саккиз йиллик малака эга бўлиб қолган эди.
Шу вақт орасида у отасининг кутубхонасидаги шахмат тўғрисидаги

залик, жиддийлик, ташқи жимжимдорликка нисбатан фарз урган бўлса керак. У шахмат тахтасидаги кураш мантқиқини мотга элтувчи ҳужуми комбинациявий ўйинлардан афзал кўрарди.
Хар бир улкан шахматчи фаолиятида энг эсда қоладиган даврлар бор. 1938

қанчадан-қанча китобларни ўқишга улгурган эди-ки!... Энг кучли таассурот қолдиргани балки Ласкернинг «Шахматдаги идрок» китоби бўлса керак. Унда эхтиросли шахмат ҳаваскори бўлган отасининг ўргатганларига мос жуда кўп нарсаси бор эди.
Ха, олдинига худди отаси унга энг катта таъсир кўрсатганлигини Смилов кейинчалик айтиб берган эди. Бундан ташқари, мамлакатда шахмат ҳаётининг 30-йиллардаги умумий юксалиши уни ўз кучоғига тортмай қолмасди. Смилов танлаган йўли: мактаб турнирлари, ўқувчилар ўйи, энг яхши шахматчилар билан беллашувлар... кўпгина мамлакат мастерлари учун хосдир.
Смилов ёш чоғидаёқ тенгқурлари орасида ажралиб турган. Чамаси, бунда унинг характеридида муайян аломатлар: сермулоҳа-



йил Смилов учун ана шундай даврларнинг биринчиси бўлди. Ушунда у нафақат мамлакат бўйича ўтказилган ўсмирлар биринчилигида галабага эришди, балки шу билан бирга Москва чемпионатида 1-2 ўринларни баҳам кўриб, биринчи ўринидаёқ мастерилик талабларини адо этди.

Лекин 17 ёшли ўспириннинг (Смилов 1921 йилнинг 24 мартда туғилган) спорт муваффақиятидан кўра унинг маҳорати, ажиб объективлиги ва ўз-ўзини танқидий баҳолай олиши қувонтирарди. Ёш шахматчининг техникаси, унинг ўшандаёқ ҳалғна сифмайдиган фикрлари, аниқ математик ҳисоб-китоби хайратда қолдирарди.

Смиловнинг ижодий йўли энди бошланмоқда, - деб ёзган эди ўша даврдаги журналлардан бири, - лекин шунга қарамай, унинг ўйини ҳозирданок улкан бадийи етуқлик, шакланган мастерликдан далолат бериб турибди.
Кейин яна бир давр бўлди. Шахмат бўйича мамлакат биринчилигида эришган муваффақияти (3-ўрин) ва мамлакатнинг мутлоқ

чемпиони унвони учун ўтказилган матч турнирда ҳам шундай натижа кўрсатганлиги учун 1941 йилда Смиловга гротсмейстер унвони берилган эди. Унинг ўзига хос ўйин услуби кўпчилик томонидан эътироф этилди. Ҳа, у биринчи қарашда бошқа хар бир шахматчи қила оладиган юришларни қилади. Лекин Смилов ютади, бошқа шахматчи эса ютолмайди. Смилов деярли ҳеч қачон қўпол ҳужум қилмайди, мот қиламан деб дўх урмайди, балки ўзигагина маълум яширин сўқмоқлардан юради. Смиловнинг яширин мақсадларини фахлламаганларнинг ҳолига воя: галабага эришиш учун унга зигиртдай устунлигининг ўзи қиёф!

(давоми бор)
МАРОҚЛИ МАШҚЛАР
Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб 2 юришда мот қилади.
Доналарга қўл урмай, яъни фикран ечишга ҳаракат қилинг. Ҳордигингиз чиқади, азизлар.
Мамажон МУХИДИНОВ.

Саломатлик масканида

«НУРОНИЙ» ДАН МИННАТДОРМИЗ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Нуроний» пансионати ўз номига монанд фақат кексалар дам олишлари учун мўлжалланган. Бу ерда бир йўла 200 нафар отахон ва онахонлар мазмунли ҳордиқ чиқаришлари билан бирга, малакали шифокорлар томонидан даволандилар ҳам.
— Дам олиш уйимизни саломатлаштириш маскани, десак тўғри бўлади, - дейди пансионат раҳбари Лолаҳон Йулдошева, - чунки бу ерда кексаларимизнинг талаб-эҳтиёжларини тўлақонли бажаришга интилиш одат тусига кирган. Шу боисдан ҳам пансионатда электр қуввати билан даволанг, уқалаш, мақсадли ванна ва душ қабул қилиш ҳамда турли бошқа муолажалар амалга оширилади. Улар дастурхонига шифобахш шарбатлар тортилади.
Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, «Нуроний»да дам олувчи - даволанувчилар учун зарур бўлган энг асосий шарт-шароитлар муҳайё этилган. Жумладан, саккиз қаватли бинонинг ҳар қаватида рангли телевизор қўйилган. Клубда ҳафтада икки марта қизикарли бадийи фильмлар кўрсатилади. Вақти-вақти билан концертлар уюштирилади. Хоҳлаганлар шахмат, шашка ёки биллиард уйнашлари мумкин. Пансионатнинг беш мингдан ортиқ китобга эга зиё маскани аксарият қарияларнинг сеvimли жойларига айланган.
Дам олувчилардан бўқалик Эрмат Аноров, тошкентлик Зикридин Шоиноков ва бошқаларнинг айтишича, кексаларнинг яхши ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклашда шифокорлар мактовга лойиқ ишларни амалга оширишмоқда.

Абдулла ТЎЛПОВ, меҳнат фахрийси.



Қарши шаҳри, Шайхали кўрғони, Олтин бошқоқ кўчаси, тел. 3-87-16
Барча истеъмолчиларга 200 ва 300 граммли идишларга қадокланган

МАЙДАЛАНГАН БУҒДОЙ ЎЗАГИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.

- Чунки ушбу маҳсулот
— овқат ҳазм қилишни яхшилайди;
— аллергияни йўқотади;
— тиш ва сочларни мустаҳкамлайди;
— терини тозалайди;
— мушакларни ўстиради.

Ўзакни бойитувчи модда сифатида нон ва қандолат маҳсулотларига, гўшти ва сутли таомларга қўшиб истеъмол қилса бўлади.

НАФС БАНДАЛАРИ

ПОРА

«Кўшиб ёзиш» деганда даставвал кўз олдимизга нима келади? Тўғри айтаялсиз: ноконун хатти-ҳаракатлар. Унинг ортида пул, пора туради. У энг ичида иш кўрувчилар учун оҳанграбоддай гап. Уни узоқдан кўриши билан виждондан ҳам воз кечиб, етти букилганича ўлжасига интилади. Пискент туманида шунга ўхшаш воқеа содир бўлди. Чунончи, туман пиллаҳонаси директори Жўрабой Дадаев билан А.Жабборов номли жамоа ҳўжалиги ишчиси А.Жабборов ўртасида яқкама-яқка «мулоқот» бўлиб ўтади. Жабранувчининг гувоҳлик беришича, Ж.Дадаевга ҳамқишлоқ эканлиги, шу вақдан унга учрашиб, уч йилдан бери боқаётган ипак қуртлари касалланиб, маълум қисми нобуд бўлаётгани, бригада бошига эса ундан режа бажарилишини талаб қилаётгани ҳамда бундан кейин қандай иш тутиш хусусида маслаҳатлашган. Ўз навбатида пиллаҳона раҳбари буларнинг ҳаммасига даво - 45 минг сўм пул эканлигини ўқитиб, у топширган пиллага кўшиб ёзиш орқали ҳужжатларни рисоладагидек қилиб беришини айтади.

Иши ҳадеганда юришмаётган, омад тескари боқаётган бир пайтда А.Жабборов шунча пулни қаердан топарди, дейсиз. Юрса ҳам ўйлайди, ётса ҳам. Ҳеч эви топилмади. Кейин эса...

Дадаев ҳам анойилардан эмасди. Суд жараёнига ва бир неча режа тузди. Улардан бири «жабрланувчи мендан қарз олган эди, анчадан бўён уни беролмай юрибди» деган тўхтамага келди. Лекин ушбу иш вилоят суида кўрилатган пайтда унинг бу важ-қарсонлари гувоҳлар ва далилий ашёрлар орқали чиппака чиқарилди.

Аслида воқеа бундай бўлганди: юқорида эслатилганидек, жабранувчи агар 45 минг сўмини сўраган кишига элтиб бермаса иши битмаслиги аниқ. Бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Пора берай деса бунча пули йўқ, кунинг устига юзи чидамайди, қола верса қонунга хилоф иш қилиб ўрганмаган. Нима қилсин? Энг тўғри йўл - бу ҳақда милицияга хабар қилиш. Шундай қилди ҳам. Унинг ёзган аризагига асосланиб, ички ишлар ходимлари Дадаевнинг пора олиш-олмаслигини «синаб» кўрмоқчи бўлишиб, Жабборовнинг қўлига махсус парашокланган 25 минг сўмлик пулни тутқазди. У раҳбар ҳузурига кириб тезда қайтиб чиқди. Холис гувоҳлар иштирокида хонага кирган милиция ходимлари Дадаевни жиноят устида ҳибсга олишди. Лекин у тергов пайтида ҳам, суд жараёнида ҳам «мен қарзимни олдим» дея ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни чалғитмоқчи бўлди. Бироқ гувоҳлар, далилий ашёрлар унинг сирини очиб ташлади.

Мана, кўрдингизми, адолатга интилган, қонунларни ҳурмат қилган ва унга қатъий амал қилган одам тинч ухлайди, жамиятни пораҳўрдан тозалашга ҳисса қўшади. Пора олиб қўлга тушган Ж.Дадаев Тошкент вилоят суди ҳукми билан етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди.

А.НАБИЕВ, Х.МҲИДИНОВ.

Advertisement for 'ИШОНЧ' newspaper, featuring a pencil and the text 'Баш муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ'.

Advertisement for 'ИШОНЧ' newspaper, featuring a pencil and the text 'Баш муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ'.

Advertisement for 'ИШОНЧ' newspaper, featuring a pencil and the text 'Баш муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ'.

Advertisement for 'ИШОНЧ' newspaper, featuring a pencil and the text 'Баш муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ'.

Advertisement for 'ИШОНЧ' newspaper, featuring a pencil and the text 'Баш муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ'.